

Шиҳобиддин
Муҳаммад ан-Насавий

# Султон Жалолиддин Мангуберди

Шиҳобиддин
Муҳаммад ан-Насавий

# Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти

63.3 (5У)
Ш67

*Камол Матёқубов* таржимаси

**Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий.**
Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти /Матёқубов тарж./—Т.: "O'zbekiston", 2006.— 384 б.

Инсон фақат бугунги кун билангина яшамайди, унинг қалбида эртанинг умиди ҳам бўй кўрсатиши табиий. Аслида бугун ҳам, эрта ҳам ўтмишдан андоза олади. Шундай экан, биз эртанинг умидида яшаётганлар оладиган андозаларимизнинг тарихини яхши биламизми? Бизларга ўрнак бўлувчи, бизларни улуғвор ишларга, яратувчиликларга ундовчи аждодларимизни яхши биламизми? Бу мангулик саволга ҳар бир авлод ўзича жавоб ахтармоғи аниқ.

Тарихда буюк ишлари, мардликлари, қаҳрамонлиги, юртпарварлиги, озодлик учун кураши билан лол қолдирган Жалолиддин Мангуберди тақдирини яхши билиш ҳам ана шу саволга изланаётган жавоблардан биридир. Биз шу пайтгача Жалолиддин Мангуберди ҳақида нималар билар эдик? Ниҳоятда оз нарса! Демак, қўлингиздаги ушбу китоб биз тақдирини, тарихини оз миқдорда биладиган юртдошимиз ҳақида ниҳоятда кўп маълумотлар бериши билан қимматлидир.

**ББК 63.3 (5У)**

Ш $\frac{0503090400-204}{М351(04)2006}$ 2006

ISBN 5-640-02795-9

© «Ўзбекистон» нашриёти, «Ёзувчи» нашриёти, 1999 й.
© Ўзгаришлар ва қўшимчалар билан, «O'zbekiston» НМИУ, 2006 й.

## СУЛТОН ҲАЁТИ ВА ТАРИХИ ҲАҚИДАГИ АСАРЛАР

Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрли, дейишади. Шу маънода истиқлолдан кейин мамлакатимизда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Аввало, тарихни, мозийни ўрганиш давлат аҳамиятига молик иш деб белгиланди. Шу асосда Имом Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Замахшарий, Ҳаким ат-Термизий, Мотуридий, Марғиноний, Амир Темур, Улуғбек, Камолибдин Беҳзод, Нақшбандий, Бобур, Феруз сингари улуғ аждодларимизнинг, алломаларимизнинг ўлмас мероси ўрганилди. Бухоро, Хива каби шаҳарларимизнинг икки ярим минг йиллик тўйлари ўтказилди, тарихи тадқиқ этилди. Минг йиллик тарихга эга Маъмун академияси қайта тикланди ва фаолият кўрсата бошлади. Ўнлаб ноёб архитектура ёдгорликлари давлатимиз ҳомийлигида қайта таъмирланди.

Тарихга, мозийга нисбатан муносабат бутунлай ўзгарди, эндиликда уни яхши ва ёмонларга ажратмай, ҳар хил синфларга бўлмай, қандай мавжуд бўлса, шундай яхлит ҳолда холис, ҳаққоний, аниқ фактлар асосида дунё тарихи билан биргаликда ўрганиш талаб қилиб қўйилди.

Юртимизда ўтмиш меросимизни ўрганиш, тадқиқ этиш борасидаги хайрли ишлар изчил давом этмоқда. Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйи, Шаҳрисабз шаҳри, «Авесто» китоби яратилганлигининг 2700 йиллиги, «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги кенг нишонланди. Кўплаб алломалар, шоирларнинг таваллуд саналари билан боғлиқ анжуманлар ўтказилди. Эндиликда Қарши шаҳрининг 2700 йиллик, Маъмун академиясининг 1000 йиллик тўйларига тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти юртимиз тарихини ўрганиш, халқимизни ўтмиш қадриятларидан баҳраманд этишда яна бир улуғвор ишни амалга оширди. 1999 йилда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш тўғрисида фармон чиқарди. Шу асосда Республика Вазирлар Маҳкамасининг бу ҳақда қарори қабул қилинди. Фармон ва қарорда улуғ юртдошимиз хотирасини абадийлаштириш борасида кўп ишлар

қилиш белгиланди. Тўй баҳонасида Ватан озодлиги йўлида жонини фидо қилган довюрак курашчи, миллий қаҳрамон, жаҳон халқлари тарихида ўчмас из қолдирган буюк инсон, ватанпарварнинг ҳаёти, фаолияти, аждодлари тарихини тадқиқ этиш, у ҳақдаги тарихий ҳақиқатни тиклаш асосий мақсад қилиб қўйилди.

Мақсад улуғ, ният катта эди. Лекин бу тарихий ҳақиқатни, ўлмас меросимизни тиклаш осон эмас эди. Очиғини айтиш керак, халқимиз Жалолиддин Мангубердининг қаҳрамонлиги, ватанпарварлигидан, босқинчиларга қарши курашидан қанчалик фахрланмасин, номини қанчалик улуғламасин, кейинги салкам 150 йил давомида ҳақиқий тарихидан бехабар бўлиб келди. Унинг ҳаёти ҳақидаги асарлар, битиклар ўтмишнинг узоқ йиллик қатламларида гоҳ унутилди, гоҳ ўрганиш тақиқланди. Тадқиқотлар қилинмади. Шунинг учун мамлакатимиз Президентининг Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллигини нишонлаш ҳақидаги фармони унинг ҳаёти, фаолияти, юрт озодлиги учун кураши ҳақидаги тарихий ҳақиқатни халқимизга етказиш йўлидаги дастлабки энг катта тадбир бўлди, дейиш мумкин.

Бу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, бизда аҳвол шундай кечган экан, эндиликда Жалолиддин тарихини ҳаққоний, холис ёритиш учун имкон борми? Унинг тақдири ҳақида, Хоразмшоҳлар давлати тарихи тўғрисида манбалар, тадқиқотлар, маълумотлар мавжудми?

Не ажабки, тарихда ҳам ғалати, ғайритабиий ҳолатлар учраб туради. Айтайлик, хоразмшоҳлар — заминимизда ҳукмронлик қилиб ўтган улуғ аждодларимиз, Жалолиддин — юртимиз фарзанди, халқимизнинг ардоқли қаҳрамони. Лекин улар тарихи ҳақида ўз тарихчиларимиздан кўра бошқа халқлар муаррихлари кўпроқ асарлар ёзиб қолдирганлар. Бу ғайритабиий ҳолат кейинги даврларда ҳам давом этган. Масалан, XIX—XX асрларда ўз тарихимизда Жалолиддин ва унинг аждодлари — Хоразмшоҳлар салтанати ҳақида илмий-тадқиқот асарлари ниҳоятда кам, умуман, йўқ даражада бўлса, худди шу давр Европа, араб, турк қадимшунослигида улар тўғрисида бир неча ўнлаб илмий-тадқиқот асарлари яратилган. Умуман, дунё қадимшунослигига назар ташлайдиган бўлсак, бу мард, Ватан озодлиги йўлида фидойи инсон ҳаёти, фаолияти ҳақида кўплаб асарлар борлигини кўрамиз. У ҳақдаги XIII асрдан то ҳозиргача яратилган асарларни санайдиган бўлсак, улар 1000 жилдга яқин китобни ташкил этади. Бу асарларни шартли равишда икки даврга: биринчи даври — XIII—XVIII асрларда ёзилган битикларга; иккинчи даври — XVIII—XX асрларда яратилган асарларга бўлиб ўрганиш мумкин.

Биринчи даврда яратилган асарларнинг аксарияти Шарқ тарихчиларининг, ижодкорларининг қаламига мансуб ҳисобланади. Уларда Жалолиддин ҳаёти, фаолияти, тақдири ҳақида ҳикоя қилинади. Мўғулларга қарши олиб борган курашлари акс эттирилади. Бу асарлар муаллифларининг аксарияти Жалолиддинни кўрган, билган, у ҳақда эшитган, унинг ҳаётидан хабардор инсонлардир. Бу даврда яратилган асарлар ёдномалар, йилномалар, тарихий ҳужжатлар ва ҳар хил битиклардан иборат.

Ана шулар орасида ишончли, асосий тарихий манбалардан бири Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг “Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаётининг тафсилоти” асаридир. Шиҳобиддин ан-Насавий Хуросоннинг Наса шаҳри яқинида туғилган. Шу вилоятдаги Хурандиз қалъасининг волийси бўлган. У туркий, форсий, арабий тилларни мукаммал билган. Наса шаҳри ва вилояти хоразмшоҳлар қўл остидаги мулклардан бири бўлган. Асарни ан-Насавий 1241 йилда Жалолиддин ўлимидан 10 йил кейин ёзишга киришган ва 1249 йилда вафотидан сал олдин тугатади. Асарга 1218 йилдан 1231 йилгача Хоразм, Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Озарбойжон, Грузия каби давлатларда, аниқроғи, Жалолиддин қўл остида тўпланган салтанатда бўлиб ўтган воқеалар, хоразмшоҳ Аловуддин Муҳаммад ва Жалолиддин Мангуберди фаолиятлари, Чингиз босқини даҳшатлари ҳаққоний тарзда ҳикоя қилинади. Ундаги воқеа-ҳодисалар, уларнинг иштирокчилари ҳақидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Чунки асар муаллифи ан-Насавий Жалолиддиннинг муншийси, шахсий котиби бўлган, у билан бирга кўп масалаларни ҳал қилишда иштирок этган. Ўзи кўрмаган, билмаган воқеаларни эса уни кўрган-билган ишончли одамларнинг ҳикоялари орқали келтиради. Ушбу асарнинг яна бир қимматли томони шундаки, агар ўша даврда хоразмшоҳлар ва мўғуллар ўртасидаги кураш воқеаларини кўпчилик тарихчилар мўғуллар томонида туриб ёритган бўлсалар, бу асарда тарихга хоразмшоҳлар томонидан туриб нигоҳ ташланади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ўша даврнинг бошқа тарихчилари кўра олмаган теран ҳақиқатини ан-Насавий яхши билган ва асарида кўрсатиб бера олган. Масалан, Хоразмшоҳлар давлатининг ички ҳаёти, Туркон хотуннинг мамлакат ҳаётида тутган ўрни, салтанатнинг ичдан емирила бошлаши, қипчоқларнинг Аловуддин Муҳаммадга нисбатан сотқинлиги, Боғдод халифасининг хоразмшоҳларга нисбатан салбий муносабати, Жалолиддиннинг Грузияга юриши сабаблари, унинг аййубий, исмоилий султонлар билан ўзаро алоқаси, уларнинг султонга хиёнаткорлиги

каби масалалар борки, Насавий уларни янгича асосда ёритади. Шунинг учун ҳам ўша даврда ва ундан сал кейин яшаб ўтган тарихчилардан аксарияти, жумладан, ал-Мақдисий, Абул Фидо, ибн Холдун, ал-Фуватий, ал-Айний, ал-Хазражий, ибн Шаддод, аз-Заҳабий, ас-Сафадий тўпламларида ан-Насавийнинг бу асарига Жалолиддин Мангуберди ҳаётини акс эттирувчи бирламчи, ишончли манба деб баҳо берганлар ҳамда ундан иқтибослар олганлар.

Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг “Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти”, (“Сийрат ас-султон Жалол ад-дин Менгбурний”) асари араб тилида ёзилган. Асарнинг иккита тўлиқ бўлмаган қўлёзмаси бугунги кунгача етиб келган. Улардан бири — 1260 йилда ёзилган қўлёзмаси Париж Миллий кутубхонасида, иккинчиси Британия музейида сақланади. Бу асар ҳақида ғарб тарихига илк маълумотни XIX аср ўрталарида К.Д’ Оссон олиб киради. Унинг 1852 йилда Амстердамда нашр этилган “Мўғулларнинг Чингизхондан Амир Темургача бўлган тарихи” деб номланган асарида бу ҳақда муфассал маълумот берилган. Кейинчалик шарқшунос олим Октав Удас “Сийрат”ни француз тилига таржима қилади ва нашр эттиради. Бу асарнинг жаҳон тарихидаги ўрни ҳақида бир қанча мақолалар ёзади. Шундан кейин ғарб тарихида Жалолиддин тўғрисида А.Мюллер, Ж.Бойль, В.Фишель, В. Аллен, Х.Хорст, Кл.Каен, Г.Готтшалк, Б.Шпулер каби олимларнинг илмий тадқиқотлари пайдо бўлади. Улар Насавий асари билан биргаликда Жалолиддин Мангубердининг тарихдаги ўрнига ҳам муносиб баҳо берадилар.

О.Удас таржимаси асосида Насавий асарини 1914—1916 йилларда Ю.Зиё ва А.Тавҳид турк тилига ўгириб, нашр қилдирадилар. 1934 йилда бу асар Нажиб Асим таржимасида яна бир бор турк тилида нашр қилдирилади. Бунда аввалги таржимада йўл қўйилган камчиликлар тўлдирилади ва асар мукаммаллаштирилади. Кейинчалик О.Удас таржимасидаги асар Қоҳирада нашр этилади. 1945 йилда бу асар Муҳаммад Али Насих томонидан форс тилига ҳам ўгирилади. 1953 йилда Ҳофиз Аҳмад Ҳамдий уни О.Удас таржимаси асосида араб тилига таржима этиб, нашрдан чиқартиради. Кейинчалик Насавий асари бошқа тилларга ҳам таржима қилиниб, кўплаб илмий тадқиқотлар пайдо бўлди.

“Сийрат” рус тилига 1850 йилдан 1900 йилгача қисқартирилган ҳолда бир неча бор таржима этилган. Унинг рус тарихида ўрганилишида Петербург университетининг профессори, шайх Муҳаммад Тантавийнинг хиз-

матлари каттадир. Аввало, шайх Тантавий Париж Миллий кутубхонасидаги Насавий асари қўлёзмасини қайтадан кўчириб олади. Унинг йўқолган саҳифалари, ўчиб кетган жойларидаги сўзларни асар руҳидан келиб чиққан ҳолда тўлдиради. Баъзи жойларига аниқлик киритади. Шу тариқа ан-Насавий асарининг шайх Тантавий тайёрлаган нусхаси О.Удас нашр эттирган нусхасидан кўра тўлароқ ва мукаммалроқ чиқади.

Ушбу асар устидаги ишни кейинчалик озарбойжонлик тарихчи, шарқшунос олим Зиё Бунёдов давом эттиради. У ан-Насавий асарининг араб, француз, форс тилларидаги ва шайх Тантавийнинг нусхалари асосида танқидий матнини тайёрлади. Аммо бу иш 60-йиллардан бери нашр қилинмасдан қолиб келмоқда. Айни пайтда, олим асарнинг тўлиқ нусхасини, танқидий матн асосида рус тилига таржима қилиб, 1973 йилда Бокуда нашр эттирган.

Афсуски, ан-Насавийнинг Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги энг ишончли манба бўлган бу асари ҳам, уни тадқиқ қилиш асосида хорижлик қадимшунослар томонидан яратилган бошқа ўнлаб асарлар, мақолалар ҳам ўзбек тилига ўгирилмади.

Жалолиддин Мангуберди ҳақида ёзилган асарлардан яна бири Нуриддин Зайдарийнинг форс тилидаги "Нафсат ал-масдур фи футур заман ас-судур ва заман ас-судур ал-футур" йилномасидир. Нуриддин Зайдарий ҳам Жалолиддиннинг муншийси, котиби бўлган. Тарихчилардан айримлари Зайдарийнинг бу асарини ан-Насавийнинг "Сийрат"идан таржима деб баҳоласа, баъзилари алоҳида мустақил асар деб қарайдилар. Зиё Бунёдов иккала асарни — "Сийрат"ни ҳам, "Нафсат ал-масдур"ни ҳам ўрганиб, бир шахс, бир воқеа-ҳодисалар, бир тарих ҳақидаги икки асар деб ёзади. Нима бўлмасин, бу асарнинг борлиги, унда Жалолиддин Мангуберди ҳақида маълумотлар берилиши тарихимизни ўрганиш учун катта аҳамиятга эгадир.

Жалолиддин Хоразмшоҳ ҳаёти ва фаолияти тўғрисида маълумотлар берувчи тарихий битиклардан бири Иззиддин ибн ал-Асирнинг ўн икки жилддан иборат "ал-Комил фит-тарих" ("Мукаммал тарих") асаридир. Жаҳон тарихига оид воқеалар хронологик тарзда қайд этилган бу асарда Хоразмшоҳлар давлати фаолиятига алоҳида ўрин берилган. Асар муаллифи китобида келтирган воқеаларни кўрмаган, шоҳиди бўлмаган бўлса ҳам, эшитганлари асосида яратган. Шиҳобиддин ан-Насавий Ибн ал-Асирнинг бу китобига юқори баҳо бериб, бундай деб ёзади: "У асарида баъзи ўринларда ҳақиқатдан бир оз чекинган бўлса-да, энг муҳим ва асосий воқеалардан бирортасини эътибордан четда қолдирмаган". Шунингдек, Наса-

вий унинг бу китобидан таъсирланганини, ўз асарини яратишда ундан фойдаланганини ҳам эслатади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ибн ал-Асирнинг бу асари Насавий асаридан ўн йиллар илгари ёзиб тугалланган. Ўтмиш тарихимиз тўғрисида бой манбаларга эга бўлган, жаҳоннинг кўплаб тилларига ўгирилган бу асар ҳам тўла даражада ўзбекчага таржима қилинмаган. Асарнинг биринчи жилди Хива хони Феруз даврида ўзбекчага ўгирилган, холос.

Таниқли тарихчилар Жувайний "Тарихи жаҳонгуша", Рашидиддин "Жами ат-таворих", Жузжоний "Табақати Носирий" асарларида ҳам Жалолиддин хусусида маълумотлар берганлар. Мўғул хонлари хизматида бўлган бу тарихчилар султон ҳаёти, фаолиятини раҳнамолари талаби билан бир ёқлама ёритишга мажбур бўлганлар. Аммо шунга қарамай, улар ҳам султоннинг мардликлари, қаҳрамонликларидан кўз юмолмайдилар. У ҳақдаги тарихий ҳақиқатни эътироф этадилар. Бундай эътирофлар мўғуллар тарихи "Муқаддас битиклар"да ҳам, Чингиз хизматида бўлган хитойлик тарихчилар Елюй Чу-Цай ва Сун Цзи-Чжень асарларида ҳам учрайди. Уларда хоразмшоҳларнинг ҳаёти, мамлакати тегралари, халқлар фаолияти қаламга олинади. Жалолиддиннинг қаҳрамонликлари, кураш йўллари, қўшинлари тўғрисида маълумотлар берилади.

XIII—XVI асрлар оралиғида Шарқда яшаган бирорта тарихчи йўқки, хоразмшоҳлар тарихини, хусусан, Жалолиддин Мангуберди ҳаёти, фаолиятини қаламга олмаган ёки улар тақдиридан мисоллар келтирмаган бўлсин. Ана шундай асарлар жумласига Ёқут Ҳамавийнинг "Мўъжам ал-булдан", Сибт ибн ал-Жавзийнинг "Миърат аз-заман", Ёсин ал-Умарийнинг "Ал-асар ал-Жалолиййа", Закариё ал-Қазвинийнинг "Асар ал-билад", Ал- Калкашондийнинг "Субх ал-ашъё", Ибн ат-Тиктаканинг "Ал-фахри фил адаб ас-султониййа", Ибн Тагрибердининг "Ан-нужум...", Мирзо Улуғбекнинг "Тўрт улус тарихи", Ибн Халликоннинг "Вафайат ал-аъйан", Ибн Қосирнинг "Ал-бидайа ван-ниҳайа", Ибн ал-Ибрийнинг "Тарих мухтасар ад-дувал", Ибн ал-Вардининг "Тарих", Ибн ал-Амиднинг "Тарих ал-муслимин", Ғози Аҳмад Ғаффорийнинг "Жаҳоноро", Абулғозихоннинг "Шажараи тарокима", Бойҳақийнинг "Тарихи Бойҳақий", Абул Фаражнинг "Абул Фараж тарихи", арманлар, грузинлар, албанлар ва бошқа халқларнинг тарих ҳақидаги асарлари киради.

Тўғри, бу асарлардаги тарихий фактлар, Жалолиддин ҳаётига оид маълумотларнинг ҳаммасини ҳаққоний деб бўлмайди. Баъзан фикрларда ҳам чалкашликлар учрайди. Лекин шунга қарамай уларда биз учун қимматли

бўлган бир нарса бор — бу тарихимизнинг ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган манбалари, хоразмликлар, халқимиз, юртимиз тақдирига оид маълумотлардир. Биз учун Жалолиддин тарихини ўрганишнинг биринчи даврида яратилган асарларнинг қадр-қиммати ҳам ана шунда.

Жалолиддин Мангуберди тарихини ўрганишнинг иккинчи даври XVIII—XX асрларни қамраб олади. Бу даврда яратилган асарлар, асосан, Жалолиддиннинг ҳаёти, фаолияти ҳақида XIII—XVII асрлар оралиғида ёзилган тарихий битиклар, ёдномаларни илмий табдил қилиш, тадқиқ этишдан иборат. Тадқиқотчилар доираси ҳам ниҳоятда кенгайган. Агар Жалолиддин ҳаёти, фаолияти ҳақида дастлаб фақат шарқ тарихчилари, солномачилари ёзган бўлсалар, уларни тадқиқ этишга ғарб тарихшунослари, рус, араб, турк, эрон, грузин, озарбойжон олимлари ҳам қўшилдилар. Дунё қадимшуносларининг Жалолиддин тарихига қизиқиши аввалдан мавжуд эди. Бу қизиқиш Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг "Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти" асари француз, немис, инглиз тилларига таржима қилинганидан кейин янада кучайди. Ана шу муносабат билан ёзилган асарлар сирасига С. Лэн-Пулнинг "Мусулмонлар сулоласи", А. Мюллернинг "Ислом тарихи", Е.Давидовичнинг "Муҳаммад Хоразмшоҳнинг танга саройи", В. Розеннинг "Ан-Насавийнинг "Султон Жалолиддин Менгбурнийнинг ҳаёти тафсилоти" асарига сўз", Е. Томаснинг "Хроника", М. Кейманнинг "Манбалар", К. Виттфогелнинг "Қорахитойлар", С.Босвортнинг "Тарих", А. Иқболнинг "Эрон тарихига доир", И. Қафасўғлининг "Хоразмшоҳлар давлати тарихи", М.Кўпрлининг "Хоразмшоҳлар", О.Тонарининг "Жалолиддин Хоразмшоҳ ва унинг замони", В. Минорскийнинг "Табриз", О.Туроннинг "Туркон хотун эмас, Теркен хотун дейиш керак", А. ал-Аззавийнинг "Ат-тарих" каби асарлари киради. Бундай асарлар рўйхатини яна ҳам давом эттириш мумкин. Булардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тарихнинг Ўрта аср қисмида жалолиддиншунослик бўлими юзага келган. Тарихчи олимлар бу мавзуга доимий равишда мурожаат қилиб, уни янги-янги тадқиқотлар билан бойитиб бормоқдалар. Афсуски, халқимиз Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги асарларни ўқишдан бенасиб бўлгани каби, бу асарлар тўғрисидаги тадқиқотлар билан танишишдан ҳам бебаҳра қолиб келган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: дунё тарихчиларининг хоразмшоҳлар тақдирига, Жалолиддин Мангуберди ҳаёти, фаолиятига қизиқиши сабаби нимада? Нега муаррихлар, ижодкорлар, шарқшунослар улар меросига қайта-қайта мурожаат қилмоқдалар, унинг янги-янги қирраларини топишга

Bu tanishuv parchasidir. Asarning to‘liq versiyasi https://kitobxon.com/oz/asar/496 saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси https://kitobxon.com/uz/asar/496 сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте
https://kitobxon.com/ru/asar/496